

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ёшлар ишлари агентлиги
директори ўринбосари-харид
комиссияси раиси
Ф. Абляров



“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш амалиётини
ёритувчи тарғибот видеороликлар тайёрлаш юзасидан

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ
ХУЖЖАТИ**

Тошкент 2022 йил

III. БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумотлар

1.1. Тўлиқ номи: Худудларда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш амалиётини ёритувчи тарғибот видеороликларини тайёрлаш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш.

1.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги.

1.3. Давлат буюртмаси асосида энг яхши таклиф: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш натижаларига кўра аниқланади.

1.4. Давлат буюртмасининг максимал нархи: 1 650 000 000 (Бир миллиард олти юз эллик миллион) сўм.

1.5. Давлат буюртмасини муддати: 2022 йил 31 декабрга қадар.

1.6. Молиялаштириш манбалари: Ёшларга оид давлат сиёсатини маблағлари ҳисобидан.

2. Техник талаблар

2.1. Худудларда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш амалиётини ёритувчи тарғибот видеороликларини тайёрлаш учун техник вазифа:

Видеороликлардаги тасвирга сифат бўйича талаблар: **16:9 форматда 20 bitrate Full HD (1920x1080) ёки 4K(3840x2160)**

Видеодаги овоз бўйича талаблар: 320kbs stereo AAC форматдаги сифатда.

Видеолар сони: 110 та.

Видеолар давомийлиги: камида 5 дақиқа

Жанр: ижтимоий ролик, телеочерк

Мавзу: “Ёшлар дафтари”дан кўмак олган ёшларнинг ҳаётидаги ўзгариш, бугунги фаолияти, оилавий шароитини кўрсатиш орқали ёшларни ҳалол меҳнатга тарғиб қилиш.

Видео маҳсулотларнинг ишчи тили **Ўзбек тили** бўлиб, қўшимча равишда Рус тилида субтитрлар жойлаштирилиши талаб этилади.

Ишлаб чиқарувчи ёшларга оид давлат сиёсатини тарғиб қилувчи (Президентнинг 5 муҳим ташаббуси, ёшлар тадбиркорлиги, бандлик) ҳамда ижтимоий (Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳаёти) каби **роликларни тайёрлаш бўйича тажрибага эга бўлиши.**

Роликлар қуйидаги техник ускуналарда тасвирга олинishi талаб этилади:

RED DRAGON (Кинокамера)

Кино оптика 15mm, 24mm, 35mm, 50mm, 135mm

Рельс Тележка (PANTHER)

Оператор крани 12m

Steadicam

Дрон

Монтаж

(профессионал, рангли коррекция, VFX графика).

Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича талаблар:

Видео маҳсулотни яратишнинг барча босқичларида маҳсулотни яратувчи амалдаги қонунчиликка амал қилган ҳолда видео маҳсулотдаги тасвирлар, ёзув кўринишидаги матнлар, товушлар, мусиқалар, овозлардан фойдаланиш талаб этилади. Siz тақдим этган видео маҳсулотда муаллифлик ҳуқуқлари бузилган ҳолатда, қайта таҳрир қилиш талаб этилади. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда видео маҳсулот **Буюртмачи томонидан қабул қилинмайди.**

Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчилар видеонинг бошланғич қисмида **Буюртмачининг логосини** жойлаштириш талаб этилади.

Шу билан биргаликда ишлаб чиқилган видео маҳсулот **ишлаб чиқувчининг муаллифлик ижодий мулки** ҳисобланиб, тасдиқдан ўтган тақдирда эркин тарқатиш ва фойдаланиш имкониятига эга.

Бир видео маҳсулотни ишлаб чиқилиши жараёнига белгиланган муддат:

5 календарь куни.

Видео махсулотни ишлаб чиқувчи Буюртмачининг тасдиқлашидан кейингина **интернет тармоғига жойлаштиришга** рухсат берилади.

Шартнома кучга киргандан сунг даслабки тўлов 15%ни, ташкил этади, қолган тўловлар бажарилган ишлар далолатномаларига мувофиқ тўлаб берилади.